

ЭЗГУЛИКЛАР
КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА

2
саҳифада
ўқинг

БАХМАЛНИНГ БИР ЧЕККАСИДА:
ШАҲАРГА
ЯҚИНЛАШАЁТГАН
ҚИШЛОҚ

3
саҳифада
ўқинг

БОЗОРДАГИ
ҚИЗАЛОҚ

4
саҳифада
ўқинг

2023-yil
12-avgust
shanba
№ 102
(4854)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларда сайёҳларни ортидан эргаштириб, ҳўзал масканларимиз ҳўқида уларга ҳўкоя қилиб бераётган таржимон қизларни кўп кузатганман. Уларга ҳўвасим келган.



Фикр

Бора-бора ушбу ҳўвас мақсадга айланди. Инглиз тилини ўрганга бошладим. Етук мутахассис бўлиш учун Гулистон давлат педагогика институтининг Ижтимоий-гуманитар фанлар факультетига ҳўжжат топширдим. Ҳўзир хорижий тил ва адабиёт йўналишининг 1-босқичида ўқияман.

Айни дамда бутун фикру зикрим инглиз тилини мукамал эгаллаб, юртимиз тарихини чўқур ўрганишда. Шундагина кўзлаган мақсадимга етгаман, элига нафи тегадиган фарзандлардан бўламан.

Шаҳризода
АҲМЕДОВА,
касба уюшмалари
стипендиати

БАХТ – ИНТИЛГАННИКИ!

Факт

ТОШКЕНТДА
ЯШИЛ
МАЙДОНЛАР
5 000 ГЕКТАРГА
ЕТКАЗИЛАДИ



Тошкент шаҳар ҳўкимлиги Матбуот хизмати хабарига кўра, 2030 йилгача Тошкент шаҳри ҳўудудидаги яшил майдонлар 5000 гектарга етказилиши мақсад қилинган.

Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2024 йилда ҳўзирда мавжуд 900 га. кўшимча 300 га. кўкўламзор ҳўудуд ташкил этилиб, яшил майдонлар 1200 гектарга, 2025 йилда 1400, 2026 йилда 1900, 2027 йилда 2500, 2028 йилда 3200, 2029 йилда 4000 гектарга етказилади.

Самарқанд
вилояти

Биз – 30-40 чоғли нўронийлар ҳўр тонгни Оқдарё тумани маркази – Лойиш шаҳарчасидаги Алломиш ўйингоҳида қаршилаймиз. Бу ерда саломатлигимизни мўстаҳкамлашда мўҳим аҳамиятга эга бўлган тонгни бадантарбия машқларини бажарамиз – юрамиз, югурамиз, саломатлик машқларини қиламиз.

«Ishonch»га мурожаат

МАРКАЗДАГИ
ЭЪТИБОРДАН
ЧЕТДА ҚОЛГАН
МАСКАН

Аммо туманининг бош ўйингоҳи бўлган майдоннинг аҳволи жуда ачинарли. Югуриш йўллари ўт босган, ўйим-чўқур. Ўтларни-ку, ўзимиз тозалаб турармиз. Лекин саломатлик йўлакларини ва бошқа спорт жихўзларига келганда...

Одамлар ушбу спорт масканининг қачон жиддий таъмирланганини эслаш олишмайди. Қатор ташкилотларга ўйингоҳнинг таъмирталаблиги юзасидан мурожаатлар қилганмиз. Аммо ҳўзиргача бу масалага ҳеч ким жиддий ёндашгани йўқ.

Жисмоний чиникиш афзаллигини бугун барча яхши билади. Айниқса, еш ўтган сари буни янада теранроқ англаб борасиз, ҳўракат қиласиз. Давлатимиз томонидан саломатликни сақлаш мақсадида жойларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилатганини оммавий ахборот воситалари орқали кўриб турибмиз.

Яна бир гап. Биз кексалар, бу масканда қоқилиб, суришиб бўлса-да, амаллаб саломатлик учун ҳўракат қилаймиз. Аммо, ҳўдемай, ўқувчилар учун ёзги таътил тугаб, сабоқлар бошланади. Ушбу ўйингоҳда туман спорт мактаби болалари ҳам маҳоратларини оширади.

Эътибордан четда қолган бу гўша қачон обод бўлади? Бу бекорликми ёки бошқа сабаблари ҳам борми?

Мутасаддиларга бу саволларимиз этиб борармикан?

Зарнигор НАҲАСОВА,
меҳнат фаҳрийси



АВГУСТ ОЙИНИНГ
ИККИНЧИ ЯКШАНБАСИ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ

Жиззах
вилояти

«ҲАЙФСАН»
БЕКОР ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига Халқ банки Жиззах филиали Чакана хизматлар бўлими бош мутахассиси Гулиноур Болтаева иш берувчининг унга нисбатан чиқарган буйруғидан норози бўлиб, мурожаат қилди.

Гап шунда эдики, иш берувчи Г.Болтаевага фаолиятдаги камчиликлар учун «Ҳайфсан» интизомий чораси қўллаган.

Ўрганишлардан маълум бўлдики, иш берувчи бу ўринда бир қатор хатоликларга йўл қўйган. Яъни Меҳнат кодекси (эски таҳрир) 182-моддаси (амалдаги Меҳнат кодекси) 313-моддасига кўра, интизомий жазони қўллашда судир этилган ноҳўя хатти-ҳўракатнинг қай даражада оғир экани, шу хатти-ҳўракат судир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳўсобга олинмиши кўзда тутилган. Аммо буйруқ чиқарилишида шу жихўат эътиборга олинмаган.

Мазкур ҳўлат бўйича иш кўриб чиқиш учун судга киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туман-

лараро судининг Ҳал қилув қарорига кўра, Гулиноур Болтаевага нисбатан қўлланилган «Ҳайфсан» интизомий жазо чораси бекор қилинди.

Сардор
МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касба
уюшмалари Федерацияси
Жиззах вилояти кенгаши
меҳнат ҳўқуқ инспектори



Касаба уюшма аралашгач...

Хоразм
вилояти

БАРЧИНОЙ
ИШГА ҚАЙТДИ

Барчиной Юсупова 2011 йилдан буён Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникасида ҳўамшира бўлиб ишлар эди. 2020 йилда ҳўмиладорлик ва туғуруқ таътилига чиқди. Фарзанди икки ёшга тўлган, ишга қайтаман деса, унга иш ўрни қисқарганини айтишди.

Барчиной нима қилишини билмай Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгашига арз қилди.

Мурожаат мутахассислар томонидан ўрганилди. Маълум бўлишича, Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти 2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган Меҳнат кодексининг 237-моддаси талабларига риоя қилмаган.

Иш берувчи номига арзўй маънафатлари кўзланган ҳўлда кўрсатма киритилди. Унда Б.Юсупова Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада асосий иш ўрнида фаолиятини давом эттириш чораларини кўриш қайд этилган эди.

Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси кўрсатма хат асосида шу йил 1 майдан Б.Юсуповани мазкур лавозимга ишга тиклади.

– Ҳўқ-ҳўқуқларимизни ҳўимоя қиладиган касаба уюшмаларидан ниҳоятда миннатдорман, – дейди Барчиной.

Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат ҳўқуқ инспектори

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

https://www.facebook.com/
ishonch.gazetasi

https://t.me/ishonchg

Эзгуликлар кўлами кенгаймоқда

либ, 9,3 фоизни ташкил қилган.

Мавжуд вазиятни эътиборга олиб, йилнинг дастлабки ярмида воҳа бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ҳамда иш топишда қийналаётган 1 минг 126 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришдик. Шундан 614 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган, 32 нафари «Темир дафтар» ва «Ёшлар дафтари» рўйхатида турган имконияти чекланган фуқаролардир.

Қолаверса, ҳисобот даврида вилоятимизда касабани уюшма фаоллари иштирокида 81 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уларда 3 минг 368 та маҳаллий корхона, муассаса ва ташкилот 25 минг 693 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шунинг самараси ўлароқ, 1 минг 757 нафар фуқарога, чунончи, 800 нафар ёшга, 1 минг 51 нафар аёлга, касб-ҳунар коллежларининг 87 нафар битирувчиси ишга кириши учун йўланма


Федерациянинг Сурхондарё вилояти кенгашига шу йилнинг олти ойида

250 та мурожаат келиб тушди. Таҳлил қилинганда, шундан **150 таси** ҳуқуқий ҳимояга, **21 таси** ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишга, **26 таси** соғломлаштиришга, **44 таси** моддий ёрдамга дахлдор ариза эканлиги маълум бўлди. Пировардида **73 таси** ижобий ҳал қилинди, **84 таси** бўйича тушунтиришлар берилди, 42 таси тегишлилиги бўйича бошқа органга юборилди. **41 таси** асоссизлиги туфайли рад этилди. **9 таси** эса айти пайтда ўрганилмоқда.

уюшмалари тизимидаги дам олиш масканларида соғлиқларини тиклашди.

Наврўз айёми муносабати билан 920 нафар киши маданий ҳордиқ чиқариши учун Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига, 4 минг 710 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари учун вилоятимиздаги Ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Исо имом Термизий тарихий зиёратгоҳларига саёҳатлар уюштирилди. Уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда ишлаётган пенсионерлардан 150 нафари эса воҳадаги диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиб келишди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоятдаги барча меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахону онахонлар иштирокида «Инсон қадрли – улуг, хотира – муқаддас», «Мардлик ва жасорат – ҳамisha барҳайт» номли тадбирлар, уч авлод учрашувлари ўтқа-



шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий байрам тадбирларида 4 минг 250 нафар хотин-қизга 425 миллион сўмлик совғалар ҳада қилинди. Айём муносабати билан кенгашимиз томонидан фаол меҳнат қилаётган 3 нафар ходимга соғлиғини мустаҳкамлаши учун «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўланма берилди.

Федерациянинг Сурхондарё вилояти кенгашига шу йилнинг олти ойида 250 та мурожаат келиб тушди. Таҳлил қилинганда, шундан 150 таси ҳуқуқий ҳимояга, 21 таси ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишга, 26 таси соғломлаштиришга, 44 таси моддий ёрдамга дахлдор ариза эканлиги маълум бўлди. Пировардида 73 таси ижобий ҳал қилинди, 84 таси бўйича тушунтиришлар берилди, 42 таси тегишлилиги бўйича бошқа органга юборилди. 41 таси асоссизлиги туфайли рад этилди. 9 таси эса айти пайтда ўрганилмоқда.

Эъза болажонларимизнинг мириқиб дам олишларини ташкиллаштириш касабани уюшма ташкилотларининг муҳим вазифалари сирасига кирилади. Шунга қўра, бу йилги мавсумда воҳа мактаблари қошидаги соғломлаштириш майдончаларида 12 минг 341 нафар, тоғлар бағридаги «Бешбулок», «Хонжиза», «Жануб гавҳари», Термиздаги «Амударё» каби 9 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 7 минг 200 нафардан ортқ фарзандларимиз кўнгилдагидек дам олишлари учун зарур шароитлар яратилди.

Юқорида тилга олганларимиз касабани уюшмалари тизимида амалга оширилган ишлардан бир шингил, холос. Бизнинг асосий мақсадимиз эса, шу мамлакат ривожига, шу yurt farovonligiga баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир. Зеро, ҳар бир yurtdoshимиз касабани уюшмалари тизимида ўзи ва оила аъзолари давлатимизга фамхўрлиги остида яшаётганини англамоғи лозим.



Сурхондарё вилояти



Абдукарим АХМЕДОВ,
Ўзбекистон касабани уюшмалари
Федерацияси Сурхондарё вилояти
кенгаши раиси

Сўнгги пайтлар юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириб, халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ишларга Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши жамоаси ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Сўзимизнинг исботи сифатида жорий йилнинг январь-июнь ойларида бажарилган баъзи ишларга эътибор қаратсак. Аввало, вилоятдаги 281 минг 811 нафар ишчи-ҳодим жамоа шартномалари орқали қамраб олинди. Ушбу ҳужжат тадбирлари бажарилиши учун ҳар бир ходимга ўртача 4,3 миллион сўмдан сарфланмоқда. Бу қўл ураётган юмушларимиз кўлами анча кенглигини англатади.

Инсон борки, ҳамisha эзгу орзу-умидлар билан яшайди. Жумладан, муқим иш ўрнига эга бўлишни, меҳнатига яраша даромад олишни, касб-кори орқали жамиятга, юртига нафи тегишини истайди. Бироқ бутун дунёда бўлгани каби аҳоли бандлигини таъминлаш бизда ҳам энг долзарб муаммолардан бири саналади. Шу боис касабани уюшма вакиллари томонидан ҳудудий меҳнат бозоридagi вазият узлуқсиз таҳлил қилиб борилади. Аниқланишича, 2023 йил 1 январь ҳолатига вилоятда меҳнат ресурслари 1 миллион 469 минг нафарни ташкил этган. Уларнинг қарийб 367 минг 500 нафари иқтисодийнинг расий, 525 минг 900 нафари норасий секторида фаолият юритишган. 109 минг 643 нафари вақтинча ишлаш учун хорижга кетган, 102 минг 300 нафари ишга жойлаштиришга муҳтож. Вилоятда ишсизлик даражаси эса республика кўрсаткичидан баланд бў-



берилди. Бундан ташқари, меҳнат ярмаркалари чоғида 4 минг 252 нафар фуқаро ҳудудий касабани уюшма органлари мутахассисларидан ҳуқуқий маслаҳатлар олди.

Ўрганишлардан келиб чиқиб, вилоятда норасий бандлик, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, хусусий бандлик агентлиги фаолияти мониторинги натижалари тўғрисида маълумотлар тайёрланди ҳамда чораклик ҳисоботлар Федерация кенгашига топшириб берилди.

Яна бир гап. Сурхон воҳасидаги касабани уюшма фаоллари йилнинг ўтган даврида 247 та корхона-ташкilot ва кичик бизнес субъектларида иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторинги ўтказилди. Бу борада қонун бузилишига йўл қўйган 2 та иш берувчига огоҳлантириш хати юборилиб, камчиликлар бартараф этилди. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик бўйича ишчи-ҳодим-

ларнинг қарийб 2 миллиард 115 миллион сўмлик маошларини ундириб берилди.

Инсонларга эътибор ва фамхўрлик кўрсатиш фаолиятимизнинг бош широридир. Айниқса, касабани уюшмаларининг кам таъминланган, муҳтож оилалар ҳол-аҳволидан хабар олиб, беғараз ёрдам кўрсатаётгани кўнгилларга малҳам бўлмоқда. Олти ой ичида «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» давлат дастури доирасида ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 203 миллион 600 минг сўм маблағ сарфланиб, 846 нафар ишчи-хизматчи санаторийларда соғломлаштирилди. Чунончи, халқ таълими тизимида ишлаётган 28 нафар ходим жами қиймати 89 миллион 700 минг сўмлик йўланмалар билан республикамиздаги турли санаторийларга юборилди. Кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи 5 нафар аёл ва 11 нафар қария касабани

зилди. Шунингдек, меҳнат жамоаларида «Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир!» шиори остида 150 дан ортқ маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкиллаштирилди. Уларга афғон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари тақдир этилиб, 24 миллион 500 минг сўмлик эсдалик совғалари тарқатилди. Мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ва хизмат бурчини адо этиш чоғида ҳалок бўлган 12 нафар ходимнинг шу вилоятда яшайдиган оила аъзоларига 14 миллион 400 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари жамланмаси етказиб берилди. 8 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига, 260 нафар меҳнат фахрийсига қиймати 112 миллион 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Биласиз, хотин-қизлар – ҳаётимиз гули, хонадонларимиз чироғи! Шу боис «Аёлга эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос олижаноб қадрият»



Сурдарё вилояти

Улар 7 та тармоқ касабани уюшмасидан қатнашган бўлиб, ҳаммаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

– Ютуқларга ҳамжиҳатликда эришилади. Буни 1150 нафар аъзоси бўлган бошланғич ташкилотимизда амалда кўриб келямиз, – дейди ғолиблардан бири Гулистон давлат университети касабани уюшма кўмитаси раиси Абдурахмон Юсуфалиев. – Жорий йилнинг ўзида 70 кишига саломатликларини мустаҳкамлаш учун сиҳат-гоҳларга йўланма бердик. Ходимларимизнинг 70 нафар фарзанди эъзи соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқардилар. 360 киши ҳозирга қадар тарихий шаҳарларда саёҳатда бўлишди. Кўрик-танловда ғолиб бўлганимиз бизга яна ҳам ғайрат-шижоат бағишлайди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловнинг Сурдарё вилояти босқичи ўзгача кўриниш олди. Вилоят кенгаши раиси Рустам Турсунмуродов икки йилда бир марта ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг аҳамияти ҳақида гап-гапириб, 166339 нафар аъзоси бўлган 1477 та бошланғич ташкилотдан 74 таси вилоят босқичида иштирок этганини, улардан 14 таси ҳар жиҳатдан ғолибликка муносиблигини таъкидлаб ўтди.



– 15 йилдан буён Гулистон тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси касабани уюшмаси бошланғич ташкилоти раиси бўлиб ишлайман, – дейди Раҳима Карвонова. – Танловнинг 100 нафаргача уюшма аъзолари бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасидаги беллашувда ғолиб бўлганимиз зиммамизга янада юксакроқ масъулият оқлайди.

Дарҳақиқат, кўрик-танловнинг ўтказилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини янада яхшилаш, уларга етарли меҳнат ва маиший

шароитлар яратиб берилишини, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан барча ходимлар бирдек фойдаланишларини, касабани уюшмалари кўмиталари ва ташкилотчилари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш масалаларига бошланғич ташкилотларнинг эътиборини кучайтиришда ўзига хос рағбат вазифасини ўтаётти.

Ғолибларни диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш чоғида ана шулар алоҳида таъкидланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Кўрик-танлов

14 та бошланғич ташкилот ғолиб



Қорақалпоғистон Республикаси

Чимбой туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи 1974 йилдан буён фаолият юритади. Ҳозир бу масканда 275 нафар ўзгалар қарамоғига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган инсонларга алоҳида меҳр-оқибат кўрсатилаёттир.

Бор бўл, оқибат!

Ғамхўрлик мевалари

– Уларга қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида қатор тадбирлар ўтказилди, – дейди директор Бекполат Давлетмуратов. – Жумладан, меҳнат терапия хоналари ва ёғочни қайта ишлаш устaxonаси қуриб битказилиб, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шилпиқ қальъаси, Қунхўжа, Бердақ, Ақимбет бахши мақбаралари ва бошқа қадимийларга саёҳатлар уюштирилди. Муҳими, аниқланган касалликлар бўйича муолажалар ўз самарасини бераёттир. Ҳатто бир неча нафар киши умуман соғайиб, оиласи бағрига қайтди, оила қуриб кетганлари ҳам бор улар орасида.

Маскан билан танишар эканмиз, ён-атрофдаги озодалик, дид билан ишлов берилган боғлар беихтиёр оҳанграбодек ўзига тортди.

– Юринг, сизга овози ўта ширали бир йигитимизни кўрсатаман – дея илтифот кўрсатди Бекполат ака.

Биз кирган ихчамна ёруғ саҳнада ўнга яқин йигит



рақсга тушарди. Ўртада кўзлари тим қора, ўттиз ёшлар атрофидаги бир йигит миллий ашулаларимиздан бирини маромига етказиб ижро қилаётганига эътибор қаратдик.

– Аллаберди, Хўжайилдан келган. Бир неча бор танловларда қатнашиб, совғалар олган, рақсга ҳам бинойидек тушади, – дея Бекполат ака изоҳ бергандек бўлди.

Бир хонада тол, гужум ва қамшидан ишланган сават, кема, уйчалар, уй-рўзгор анжомлари каби моҳирлик билан ясалган буюмларга кўзимиз тушди.

– Бу йигитлар жуда қобилиятли. Яқинда хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида ҳокимият томонидан 2,5 гектар ер ажратилди. У ерга тол кўчталари экомқимиз, шунда бу йигитлар бундан-да, чиройли нарсалар яратишига ишонаман, – деди Бекполат ака.

Бошқа хонада йигитлар тикув машинасида қуроқ кўрпачалар, бежирим ёстиқлар тикишаёттир.

– Бизда меҳнат терапияси яхши йўлга қўйилган. Тикувчиликдан ташқари тўқувчилик билан шуғулланаётган Акмал ва Баҳодир бу хунарни худди соғлом инсонлардек яхши ўзлаштиришган, – дейди меҳнат терапияси инструктори Генжаҳон Жуманова.

Масканни айланиб, хулосамиз шу бўлдики, турли сабаблар билан бу жойга келиб қолган инсонлар чиндан ҳам давлатимиз ҳимояси ва фамхўрлигида яшамоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши изланиш, фаолиятни такомиллаштириш, тармоқ ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, иш услубларини мавжуд шароитларга қўра ҳаётга татбиқ этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

– Табиийки, ўрта бўғин касабани уюшмалари органлари бу вазифаларни ҳал этишда, авваламбор, бевоисита бошланғич ташкилотларнинг кўмағига таянилади, – деди Агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси

Етакчилар фикр алмашдилар

Республика кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ўқув-семинарда кенгаш раиси ўринбосари Тўхта Бозоров. – Бошланғич ташкилотда ишнинг қай даражада йўлга қўйилиши эса ил навбатда, бошланғич ташкилот етакчисининг билим даражаси, салоҳияти, қолаверса, аъзолар ўртасидаги обрў-эътиборига боғлиқ.

Семинарда доимий равишда иш берув-

чилар билан ҳамкорликда иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарздорликка йўл қўймаслик, бундай ҳолатлар вужудга келган тақдирда сабабларини таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича қатъий чора-тадбирлар орқали ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иштирокчиларга тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнатга оид муносабат-

лар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, жойларда қулай шароитларни яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда касабани уюшмаларининг вазифалари, соҳага оид муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр алмашилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Анжуман



Кувончек ТУРАЕВ олган суратлар.



Қадрдон қишлоғимнинг йўллари, кўчалари, уйлари, сувлари билан боғлиқ болалик хотираларим кўп эди. Энди улар йўқолиб борапти. Аниқроғи, болаликда хотирага муҳрланган жойларни тез орада умуман тополмасам керак. Лекин бундан ҳечам афсусланмайман, қайтанга жуда хурсандман.

Болалигим кечган, яқинларим умргузаронлик қилаётган, қабристонига отам ва онам қўйилган қишлоғимга тез-тез бориб тураман. Тўнов кўни борганимда қишлоқни таний олмадим, ғалати бўларкан. Тўғри-да, икки ҳафта бундан бундан ҳеч қандай гап-сўз, ҳаракат бўлмаса-ю, кейинги борганимда...

Бахмалнинг бир чеккасида: Шаҳарга яқинлашаётган қишлоқ

Қишлоқ арининг уясига ўхшаб қолибди. Ҳамма ҳаракатда. Ҳамма жой таъмирланяпти, қурилишлар, ўзгаришлар кўп. Эрта тонгдан бошланаётган ҳаракатнинг баракати кечга бориб, яққол кўзга ташланади.

Бир вақтлар қорли, ёмғирли кунларда кириб-юриб бўлмайдиган айрим кўчаларга бугун ҳам кириб бўлмайди. Фақат бу сафар сабаб бошқа...

КЕЛИН КИРОЛМАГАН КЎЧА

«Артизан», яъни сув минораларини ўрнатиш, тоза ичимлик сув тармоғи учун қувулар тортиш мақсадида кўчалар қазиб ташланган. Илгари иккита машина зўрга сиғадиган тор кўчалар кенгайтирилган, сурилган, текисланган. Йўлларга тош, шағал, асфальт ётқизилган. Бетондан асфальт қилинаётганлари қанча. Пиёдалар учун қурилатган махсус йўлакчалар... Шаҳарни эслатади.

– Кўчамиз тош ётқизилиб, текисланиб, асфальтланиб, ойдайд кўча бўлиб қолди, – дейди Қутлуғ кўчасида яшовчи Рамила Маманазарова. – Уч йил олдин келин туширгандим. Ишонсангиз, ўшанда келин минган машина уйгача келолмаган, кўчада лойга ботиб қолган. Келинчақ кўчанинг ярмидан уйгача лой кечиб, пиёда келган...

Ҳа, яқин-яқингача одамлар тупроқ, лой кўчалардан катта (асфальт) йўлга чиқиб учун, болалар эса мактабга қатнаш учун қийналишар эди. Энди буларнинг бари эртাকা айланяпти...

ҲАММА ЙЎЛЛАР МАКТАБГА ЭЛТАДИ
Бошқа кўчаларни кўя ту-

райлик, қишлоқдаги салкам 500 нафар ўқувчига мўлжалланган 37-мактабга борадиган йўл ҳам бир аҳволда эди. Бугун мактабга бетон ётқизилган йўлдан борилади. Ҳадемай, шу йўлнинг четидаги пиёдалар йўлакчаси ишга тушади.

Икки қаватли мактаб бутунлай қайта реконструкция қилиняпти. Янги таъмирдан чиққан мактабни янги ўқув йилида ўқувчилар танимаслиги тайин.

Энди ўқувчилар мактабга келаётганда чанг босиб, лой кечиб юришмайди. Энди улар равон ва обод кўчалардан келажак сари қадам ташлашади.

КЎЗНИ ЧАРЧАТАДИГАН ЁРУҒЛИК

Қишлоқдан чиқиб кетганимга 35 йил бўлди. Бу вақт оралиғида битта қишлоқ «йўқолиб», камида иккита қишлоқ пайдо бўлди.

Ҳа, аҳоли кўпаймоқда. Натижада қишлоқлар кенгайиб ва кўпайиб бормоқда. Бу яхши, албатта. Аммо янги қишлоқларда шундай хонадонлар бор эдики, кечкурун борсангиз, уй эгалари қизариб турган «лампочка»да, кўзни чарчатадиган ёруғликда ўтиришарди. Чунки трансформаторлар камлиги боис, меъёрдаги электр қувватини узатишга имкон йўқ эди. Бу «ёруғлик»да на телевизор кўриб бўларди, на дарс қилиб. Бугун қишлоққа бешта янги трансформатор ўрнатиляпти. Отамзамондан қолган ёғоч «столба»лар бетон устунларга алмаштириляпти. Хуллас, кечаги «ёруғлик» бугун ўтмишда қоляпти.

«КРАН» НИМАЛИГИНИ БИЛМАГАНЛАР...

Адашмасам, ҳудуддаги фақат иккита қишлоқда «артизан» бор эди. Улар ҳам узоқ йиллардан бери ишламасди. Одамлар булоқдан, ҳовуздан, ариқдан сув ташиб, ичишарди. Имконияти борлар ҳовлисидан кичкина насосда сув чиқариб олишганди.

Бугун қишлоқда тўртта янги «артизан» қуриляпти. – Шу пайтгача одамлар «кран» нималигини билишмасди. Энди улар ҳам жўмрақдан тоза сув ичишяпти, – дейди қишлоқ оқсоқолларидан бири Қаҳҳор Абдуғафоров. – Қишлоқдаги катта ўзгаришлар худди тушга ўхшайди...

КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН...

Қишлоғимда кўпчилик билан сўхбатладим. Ҳаммаси улкан ўзгаришлардан ҳайратда, хурсанд. Кўзларига ишонмаётганлар ҳам бор. Ҳа, шу кунларда Бахмал тумани «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!



йигини ҳудудда «Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла» дастури доирасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолиси 4926 нафар, оилалар сони 926 та бўлган маҳаллада нафақат маҳаллий аҳоли, ҳокимлик ва ташкилотлар, балки бутун вилоятдан бириктирилган ҳокимликлар, турли ташкилот ва корхоналар ўз зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этишмоқда.

Дастур бўйича 30 миллиард сўмдан ошиқ миқдордаги ишлар амалга оширилган экан. Маҳалладаги қишлоқ врачлик пункти ҳам қайта таъмирланмоқда ва у замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. «Янгибоғ» МФЙ учун алоҳида бино қурилмоқда. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жойи кўчиб ўтадиган даражада таъмирланмоқда.

ҲАММАСИ ШТАБДАН БОШЛАНЯПТИ...

Маҳалладаги мактаб ҳудудда дастур ижроси бўйича махсус штаб ташкил этилган. Масъуллар палаталарда ётишибди, уйга кетиш йўқ.

Ҳар кун эрталаб соат 7:00 ва кечки 18:00да бўлиб ўтадиган йиғилишда кунлик ишлар сарҳисоб қилинади, режалар сўралар ва муҳокама-лар бўлар экан. Туман ҳокими Муса Анорбоев йиғилишдан сўнг турли муурожаатлар билан келганларнинг дардини, фикрини эшитяпти ва уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш чораларини кўряпти.

Биз штабдаги қизгин иш жараёнини кузатиб, шундай хулосага келдикки, дастур ижроси белгиланган муддатда, яъни Мустақиллик байрами арафасида ниҳоялинишига шубҳа йўқ.

ШУКРОНАЛИК ҲИССИГА ТЎЛГАН КЎНГИЛЛАР

«Жуда катта ишлар бўляпти. Буларнинг қадрига етиш керак. Мана шу улкан ишларга ҳисса қўшаётганларнинг ҳаммасига раҳмат! Президентимизга ҳам ҳаммаси учун мингдан-миг раҳмат!»

«Қишлоғимиздан четда ишлаб юрганлар ҳам бор. Улар эртага келишса, қишлоқни танимай қолишади. Шунча ўзгариш ва бунёдкорлик учун барчага ташаккур! Президентимизга раҳмат, дунё тургунча турсинлар».

«Қаранг, қандай ишлар бўляпти. Шу ишлар яқунлангач, агар йўли тушса, Президентимиз бизнинг қишлоққа ҳам келсинлар. У кишига пешвоз чиқиб, раҳмат айтмасиз...»

Буларнинг бари бугун кайфияти, руҳияти ўзгарган ҳамқишлоқларимнинг дил сўзлари. Уларга қўшилмасликнинг ҳеч иложи йўқ.

Ҳа, айтганча, машҳур бахши Фозил Йўлдош ўғли мана шу маҳаллада яшаб, ижод қилган. Тасаввур қилинг: агар у киши қишлоғидаги шу кунлардаги улкан ўзгаришларни кўрганида борми, завқланиб, руҳланиб, албатта, бир терма битган бўларди.

Ёки машҳур драматург раҳматли Шароф Бошбеков ҳам ўз юртидаги оламшумул янгиликларга гувоҳ бўлганда борми, албатта, янги асарга қўл уриб, эзгу ҳамда хайрли ишларни ўзгача тасвирлар эди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»



Андижон вилояти

Мингтепа – тарихнинг не-не синовларини бошидан кечирган, аёвсиз босқинларга дош берган, профессор Маннобжон Эгамбердиев таъбири билан айтганда, қадимги Хитойнинг «сарик аждар» номини олган енгилмас қўшинларига ҳам бўйин эгмаган метин кўрган.

Мингтепа – асрлар давомида бағрида бутун бир тарихни келажак авлодлар учун маданий мерос сифатида асраб келатган бе-баҳо гўша. Бугун Марҳамат туманида рўйхатга олинган 62 та маданий мерос объекти бунинг далилидир.

Мингтепа – XII-XIII асрларда исломни тарғиб этиш учун келиб, шу жойда аҳолига маърифат улашган етти оғайни уламолар – Миришкор, Хўжабосмон, Гўзал, Оқбош, Кўктўнли, Оқтўнли, Банди оталар, шунингдек, Бобохурсон, Хайрони Вале оталар абадий кўним топан замин.

Мингтепа – Дукчи Эшондек жасур йўлбошчини тарбиялаган, Чор ҳукумат истибодига қарши ғалаён кўтарган, бу билан Туркистонда миллий озодлик ҳаракатини бошлаб берган ота юрт.

Мингтепа – Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига, олим ва авлиё ал-Маҳдум ал-Восилӣ (Мулла Ҳасанжон Маҳдум)га, таниқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаниёвга, тиббий фанлари докторлари Мамазори Хўжабердиев ҳамда Тўхтахан Мухиддиновага, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Мунаввара Усмоновага, адабиётшунос олим ва ёзувчи Улугбек Ҳамдамга, яна ўнлаб фан докторлари, номзодлари, олим узоқларига бешик бўлган замин.

Мингтепа – юрт хизматига Солиҳон Мамарасуллов (Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг биринчи раҳбари бўлган), Аҳмадали Ризаев (Бухоро вилоятида биринчи раҳбар бўлган), Эргашали Қурбонов (Республика Ер ресурслари давлат қўмитаси раиси бўлган), Низомиддин Бакиров (Республика ўрмон хўжалиги раҳбари) сингари мамлакат миқёсидаги давлат ва жамоат арбобларини тарбиялаган ошибди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти дея эътироф этилган машҳур Акрам қизик Юсуфова, сўз устаси Валижон Шамсиев ҳам айнан Мингтепада туғилиб ўсган.

Мингтепанинг эраимиздан аввалги номи (III, II асрларда) Эрши бўлган ва тарихдан маълумки, Довон давлатининг пойтахти ҳисобланган. Манбаларда бу мамлакат шимолда Тошкент воҳасигача, жанубда эса Юечжилар давлатига қадар чўзилгани таъкидланади. Айтишларича, Хитой қўшинлари Довонга милоддан аввалги 104-101 йилларда икки марта ҳужум қилган, биринчи ҳужум хитойликларнинг мағлубияти билан яқун топан. Иккинчи марта 60 миғ кишилик қўшин билан ҳамла қилган душман Эрши шаҳрини қамал қилган ва ўзаро сулҳ тузилган. Кейинчалик бу икки давлат аҳолиси ўртасида савдо-сотик ва мол айирбашлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Бугун Марҳамат туманининг Мингтепа деб номланган ҳудудда Эрши шаҳар қолдиқлари археологик ёдгорлик сифатида ястаниб ётибди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги «Андижон

вилоятининг Марҳамат туманидаги «Мингтепа» археология ме-роси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қарори туман ахлининг кўп йиллик орузларини рўёбга чиқаришга қаратилган ҳаётбахш ҳужжат бўлди, деб қувонган эдик. Чунки унда Мингтепа археологик объектини муҳофазалаш ва тадқиқ этиш билан бирга мазкур ҳудудни обод этиш масалалари ҳам кўзда тутилган эди. Энг муҳими, қарорда тегишли вазирлик ва идораларнинг Марҳамат туманидаги «Мингтепа» археология ме-роси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик марка-



МИНГТЕПАНИ атайлик ўз номи билан

зан барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган ва уларга вазифалар белгиланган эди. Бундан ташқари, Мингтепа археология ме-роси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ҳамда Марҳамат туманининг туристик имкониятларини кенгайтириш бўйича «йўл харитаси» ҳам тасдиқланганди.

Афсуски, бугунгача мазкур қарор ижро этилмай турибди. Бунга сабаб қилиб эса кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағ ҳанузгача ажратилмагани кўрсатиляпти.

Мазкур қарорнинг ижроси билан туманимизда катта ҳажмда ободончилик ишлари олиб борилишига, айниқса, Мингтепа, Жингиртепа, Тоштепа археология объектлари, қутлуғ масканларимиз обод бўлишига, бунинг натижасида улғ аждодларимизнинг руҳлари шод бўлишига шак-шубҳамиз йўқ эди.

Қолаверса, янгилинишларга мос равишда туманимиз номи ҳам ўз тарихига, шонли ўтмишига мос равишда Мингтепа деб қайта номланишини кутувдик. Чунки бунга етарлича асос ҳам сабаб ҳам бор эди. Тарихдан маълумки, Дукчи эшон кўзғолони (1898 йил) бостирилгач, Мингтепа чор қўшинлари томонидан замбараклардан уч кун ўққа тутилиб, бу ҳақда оқ पोшого хабар берилган. Оқ пошого эса мулозимларига қаттиомдан омон қолган аҳолини бошқа ерга кўчириб юбориб, ўрнига янги бир ма-

Мулоҳаза ва таклиф

скан барпо этиш ҳақида фармон берган. Шунга асосан, тирик қолган мингтепаликлар ҳозирги Жанубий Фарғона каналининг Улуғтоғ томонига кўчирилиб, қишлоққа оқ пошонинг «марҳамати» (яъни, помолвание, ўзбекчада гуноҳидан ўтиш маъносиди) сифатида «Марҳамат» деб ном беришган. Мингтепа эса қайта қурилиб, муҳожирлар шарафига Русское село номини олган. Шўролар даврида (1974 йил) туман марказига шаҳар мақоми берилиши баҳонасида Русское село Марҳамат шаҳри деб ўзгартирилган. Бунинг асосий сабаби «Русское село шаҳри» дейиш ноқулайлиги, қолаверса, коммунистларнинг ерлик аҳоли зеҳнигага нисбатан қўллаган «советча бағрикенглиги» бўлган деб ўйлайман.

Албатта, мазкур топонимнинг келиб чиқиши ҳақида бошқа вариантлар ҳам бор. Улардан бирида, бу номнинг келиб чиқишини Дукчи эшон кўзғолони ташкил этиш мақсадида яқин атрофдаги бойларга ёзган чорлов мактубларида «марҳамат қилиб» сўзларини кўп ишлатгани билан боғлашади. Ёзишларича, кўзғолон бостирилиб, Мингтепа ўққа тутиляётган бир пайтда, чор армияси зобитларидан бири тўп(замбарак)чиларга отиш учун ҳар гал топширик берганда «Вот тебе, «марҳамат» дея кўзғолон етакчисининг қўлга тушган хатидаги ўша сўзга захархандалик билан қайтариб турган. Нима бўлгандаям, Марҳамат номи Муҳаммад Юсуф таъкидлаганидек, босқинчилар томонидан қўйилган.

Мақола поёнида бир таклиф айтмоқчиман. Юртимизда миллий қадриятларимиз тикланаётган, тарихий ҳақиқатлар ўз исботини топаётган, муқаддас зиёратгоҳлар кун сайин обод бўлиб бораётган бир пайтда, туманимиз номи ҳам Мингтепа деб ўзгартирилиши, нур устига нур бўларди. Уйлаб кўрсак, Марҳамат ва Мингтепа сўзлари бир хил ҳарф билан бошланади ва иккиси ҳам еттига ҳарфдан иборат. Бироқ, шу юртга киндик қони тўкилган, ўтмиши, бугуни ва келажакга бефарқ бўлмаганлар учун Мингтепа сўзининг салмоғи минг чандон азизроқдир.

Шунинг учун ҳамқишлоғимиз, элнинг суюкли шоири Муҳаммад Юсуф айтганидек:

ҲАР КИМСА ҲАМ НОМ КЎЙСИН ЎЗ УЗЛАТИГА, ҲАР КИМГА ЎЗ УЙИ АЗИС, ТОМИ БИЛАН. ЗОР ҚИЛМАСИН БИРОВНИНГ «МАРҲАМАТИ»ГА, МИНГТЕПАНИ АТАЙЛИК ЎЗ НОМИ БИЛАН.

Бундай таклифни Маҳмуд Ҳасанийнинг «Мингтепа ҳақида дoston», Улугбек Ҳамдамнинг «Мингтепа» шеърларида ҳам учратиш мумкин.

Қанийди, эл суйган шоирнинг 70 ёши нишонланадиган 2024 йилнинг апрелига қадар бугунги Марҳаматни ўз номи билан Мингтепа, деб атай бошласак!

Шукрулло НЕЪМАТОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси



Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида «Турон» ҳамда «Орол» болалар дам олиш ва соғломлаштириш марказлари фаолият олиб бормоқда. Уларда болалар нафақат дам олишади, балки турли мусобақа ва танловларда қатнашадилар ҳам.

Ёзги соғломлаштириш СОҒЛОМ БОЛА – ВАТАН ТАЯНЧИ

Мазкур соғломлаштириш марказларида 4-навбатда дам олаётган болалар ўртасида «Соғлом бола – Ватан таянчи» мавзусида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, мини-футбол, баскетбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда ҳар бир марказдан спорт турлари бўйича энг чаққон ва эпчил болалар қатнашди.

Яқунда ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирланишди.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

Эълон

1993 йил 25 февралда Жамилова Гулнора Зарбдоревна номига берилган №08-02/12604 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти касба уюшма қўмитаси раиси Улугбек Уразбаевга уқаси **Бекзод УРАЗБАЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши



мамлакатимизда аъдет ойининг иккинчи яшанбаси

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

сифатида кенг нишонланиши муносабати билан бунёдкорлик жабахасида фидокорона меҳнат қилаётган барга юртдошларимизни самимий туборакбод этади!

Аъзв бунёдкорлар – моҳир метъморлар,
билимли лойиҳачилар ва тўдратчи ташкилотлар
вакиллари, тажрибали муҳандислар,
фидойи қурувчилар ҳамда усталар – барчангизнинг
жонажон Ватанимиз янги қиёфасини барпо
этиш, юртимизнинг янада тараққий топишига,
халқимизнинг янада фаровон яшашига, диёримизнинг
янада обод бўлишига муносиб
улуш қўшаётган олижаноб
меҳнатингизга таҳсини офаринлар айтамыз.
Шу фурсатдан фойдаланиб, эъзу фаолиятингизга
равнақ тилаймиз. Хонадонларингизда мудом
хотиржамлик барқарор бўлсин.
Ҳаётингиздан фаровонлик, ишингизда фрайзу
барака ҳеч ҳам аримасин.
Қўлингиз асло дард қўрмасин, доимо
соғу саломат бўлинг!

КАСБ БАЙРАМИНИНГIZ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



Тўғғу

Қишлоқда кўпчилик у аёлнинг исмини билмасди. Балки ёши катталар билишар, аммо улар ҳам исми билан атамас, чақиримас, гапу гаштакларда ҳам исми айтилмасди. Барча учун унинг исми ҳам, касби ҳам шу эди: Гулчи момо.

Гулчи МОМО

Муштипаргина, ёлғиз бу кампир ҳеч тиним билмасди. Қачон қараманг, ҳовлисидаги гулзорда куй-маланиб юрганини кўрадингиз. Кўча-кўйда ҳам гул кўтариб юрганини, кимгадир уларни улашаётганини, ҳеч бўлмаса, гул кўчатларию уруғларини қаердандир олиб келаётгани ёки олиб кетаётганига кўзингиз тўшарди.

Гулчи момо қишда ҳам тинч ўтирмасди. Тувакларга экилган кўчатларини парвариш қилар, қуёш салгина юз очса ҳам, гултувакларни офтобруй жойларга ташир, бир лаҳза бўлса-да, нурларидан баҳраманд бўлсин, дерди. Узун қиш кечаларида гул уруғларини саралар, қоғоздан халтачалар ясаб, уларни солиб кўяр, баҳорда экиш учун тайёрлар эди.

Бир куни, адашмасам, хутнинг илик насимлари эса бошлаган дамлар эди, мактабдан қайтаётганимда кўчада Гулчи момони учратдим. Салом бердим. Алиқ олар экан, онахон кўярда-кўймай уйига етаклади.

– Сенга атаган нарсам бор эди, – деди.
– Нима экан, – дедим мен ҳам қизиқиб.
– Юр, кўрасан, – деди ва йўл бошлаб кетди.

Ҳовли қафтдеккина, аммо жуда файзли эди. Йўлак атрофига экилган атиргуллар кўртак боғлай бошлаган. Ерлар ағдарилиб, экишга тайёрлаб қўйилган. Бир чеккада бир чети кўтариб қўйилган иссиқхона.

Гулчи момо уй олдидаги мўъжаз супага етмасдан тўхтади. Йўлак четидаги алоҳида турган бир туп атиргулни кўрсатди-да:

– Мана шуни қазиб ол, қизим, – деди. – Бу гул жуда гўзал очилади, қип-қизил... Ҳали баҳор келсин, кўрасан.

Негадир тўхтаб қолдим. Гулчи момо менга белкурраки узатди:
– Бир-икки кундан буён ҳолим йўқ. Бошим айланб-айланиб кетяпти. Ўзим қазиб берардим бўлмаса. Ёшсан.

Атиргулни томири билан қазиб олдим. Илдизини қоғозга ўрадик. Хайрлашиб кетар эканмиз, момо маҳзун оҳангда «Мен дунёдан ўтсам, шу гулга кўзинг тушганда, дуо қилиб турсан, хўпми, қизим?», деди.

Кўчатни олиб келиб, ҳовлига ўтқаздим. Яхши тутиб кетди. Гуллари жуда чиройли очилади – қип-қизил, катта-катта. Кўшнларнинг, меҳмонларнинг ҳаваси келади. Мен эса ҳар гал уларга мақтанишдан чарчамайман: Гулчи момом берган-да буни...

Гулчи момо... Кўп ўтмай вафот этди. Баҳор эди. Олам гулга бурканган эди. Гулларини, бир ҳовли гулни бўзлатиб Гулчи момо чин дунёга кетди.

Ҳозир ҳам ҳовлимизда ўша атиргул қийғос гуллаб, ифोर таратиб туради. Ҳар гал кўзим тушганида Гулчи момони эслайман, дуо қиламан.

Дарвоқе, Гулчи момонинг исмини ҳамон билмайман. Балки у хотирамда Гулчи момо бўлиб қолгани ҳам яхшидир.

Гулбаҳор АЛЛАЯРОВА
Қўмқўрғон туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси

БОЗОРДАГИ ҚИЗАЛОҚ

Ўшанда эндигина баҳор нафаси уфураётган, аммо салқин ҳаво этни бироз жунжиктирадиган кунлар эди. «Қўйлик» бозоридан мева-чевалар харид қилиб чиқаётиб, сомса, бўғирсоқ ва бошқа пишириқлар сотиладиган раста ёнида юзлари кир бўлиб кетган, юпунгина кийинган 4-5 ёшли қизалоққа кўзим тушди. Унинг сал наридаги онаси бир кўлида чақалоғини ушлаб олганча, бошқа кўлини чўзиб, одамлардан садақа сўрарди. Қизалоқнинг кўзи эса растадаги пишириқларда. Қорни очган шекилли... Ёнига бориб, секингина эгилдим-да, сўрадим:
– Нима егинг келяпти?

У менга ҳайрат билан боқди. Онаси эса шанғиллаб деди:
– Ейдиганини ўзим обераман, сиз пулини берсангиз, бўлди...

Бу гапдан шуни тушундимки, пулни олган она қачон «истаса», ўшанда емак олиб беради, боласи эса унга чадаши керак. Лекин айнан ҳозир қизалоқнинг қорни ниҳоятда оч. Шу боис йўлағудек бўлиб, онасига термуляпти. Бунақа пайтларда нигоҳлар ҳам гапирди-да!..

Мен бу ҳолатга чидолмай, такроран сўрадим:
– Нима олиб берай, айт.

Қизча кўли билан сомса ва ичига сосиска солинган бўғирсоқни кўрсатди. Мен айтганларини олиб бердим. У иссиққина егуликларни иштаҳа билан ер экан, беғубор кўзларида қувонч порлади ва менга мамнуният ила кулиб боқди. Она эса, ҳамон «Тавба!.. Пулини берса, ўзим олиб берардим... Эй, шошилмай е, тагин тиқилиб қолма!» деб жаврашдан тўхтамасди...

Турмуш
чорраҳаларида

Бизга кўшни маҳаллада ёши ўттиздан ошган Мансур исми йигит яшарди. У руҳий хаста эди, лекин бировага зарари тегмасди. Кўпинча кўчаларда куй-маланиб, турли юмушларни бажариб юрарди. Баъзи кишилар эса уни мазах қилиб гапиртиришар, гоҳо видеотасвирларга олиб, файритабий хатти-ҳаракатларидан кулишарди. Айрим аҳмоқ кимсалар уларни ижтимоий тармоқларга жойлаб, ўзича гурурланган пайтлар ҳам бўлган.

Мен бу йигитни кўчада учратиб қолсам, бироз чўчирдим. Баъзан эса гапга солиб, бемалолроқ гаплашишга ҳаракат қилардим.

Бир куни ишдан қайтаётсам, Мансур бекатдаги машинада ўтирган экан. Мен ҳам ёнига ўтирдим. Йўлда у йўловчиларга ўзича гапириб кетди, лекин пойинтар-сойинтар гапларига ҳеч ким муносабат билдирмади.

Йигитнинг кўлидаги қора полиэтилен пакетдан сомса ва кабоб ҳиди таралаётган эди. Мен буни сезиб, унга саволомуз қараб қўйдим.

– Буни онажонимга олдим, – деди Мансур жилмайган кўйи. Бир оз сукут сақлагач, яна сўзида давом этди.
– Ҳар куни ишлаб топган пулимга нимадир олиб бораман. У эса мени кутади. Онам – фаришта. Ҳамма оналар фаришта. Сенинг онангни танийман, у ҳам фаришта. Тўйингга борганимда белимга белбоғ боғлаган. Ўшанда



АСЛИДА КИМ ХАСТА?

роса ўйнаганман, эсингдами?

Тўғри, Мансур бизнинг тўйимизда бўлган, фақат менинг эмас, укамнинг тўйида. Чунонам берилиб ўйнагани боис онам унинг белига белбоғ боғлагани ҳам рост. Аммо ҳозир мени бу воқеа эмас, балки Мансурнинг ҳар гапида онасини тилга олиши, унга меҳр кўрсатиши ҳайратлантирди...

Кейинчалик ўйлаб кўрсам, аслида руҳий хаста бу йигит эмас, унинг устидан куладиган, видеотасвирга олиб ижтимоий тармоқлар орқали тарқатадиган ақли калта, фаҳм-фаросати ожиз кишилар экан. Ҳафталаб, ой-

лаб онасидан хабар олмайдиган, тирикчиликда йўқламайдиган, вафотидан сўнг бошини деворга уриб йиғлайдиганлар ҳам ҳақиқий руҳий хасталар экан...

Мансур дили покиза, нияти холис йигит эди. Афсус, умри қисқа экан. Дафъатан автоҳалокатга учраб, вафот этди.

Мен ҳар сафар уни эсласам, кўз ўнгимда онасига меҳрибон, одоб-ахлоқ бобида бошқаларга ўрнатилган ўғил сиймоси гавдаланади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА

МУАССИС:



2007-йил 11-январда
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Доверие»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:00
Topshirildi – 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-813
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 30383
14052 nusxasi «Sharq»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonamanzili: Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.